



Олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат олий таълим муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларида давлат гранти асосида сиртқи таълим шаклига суҳбат билан ўқишга қабул қилинади.



Маҳаллаларда мавжуд бўлган футбол стадионлари ҳамда бошқа спорт майдончаларидан тизимли ва самарали фойдаланиб, турли ёш тоифалари кесимида маҳалла тарма жамоа лари шакллантирилади.



2024 йил
29 июнь,
ШАНБА

Ma'halla

№34
(2172)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Тўртта маҳаллага битта солиқчи. Бу кам эмасми?..

Битта солиқчига тўртта маҳалла. Албатта, хоҳлаймизми йўқ, бундай катта ҳудудда фуқаролар билан ишлашнинг ўзига яраша машаққати бор. Бу, ўз навбатида, айрим солиқ тўловчиларга ўз вақтида ёрдам беролмасангиз нотўғри тушунчани шакллантиради. Шу боис солиқ ходимлари сонини кўпайтириш керак.

5-с.

“Келажақда ҳудудимизни дронлар назорат қилади”

Келгусида дронлар ёрдамида фуқаролар гавжум жойларни назорат қилишимиз, жиноят содир қилиб назорат остига олинган шахсларни кузатишимиз мумкин. Томорқадан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг атроф-муҳит ва экологияга бўлган муносабатларни кузатиб бориш имконига эга бўламиз.

6-с.

Кўмак асли кўнгилга йўл топмоқликдан бошланади

Ижтимоий ходим имкон қадар аҳоли билан яқинроқ бўлиши керак. Уларга ака-укаси, қариндошидек бўлиб кетсак, дардини бизга ишониб айтади. Агар бировнинг кўнгилдагини ҳис қилмасак, очик-ошкор хабардор бўлмасак, ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимиз кундек равшан.

7-с.

Фарзандингизга қачон китоб совға қилгансиз?

Агар биз дунёга халқ сифатида ўзимизни танитишни истасак, юртимизнинг янада раванқ топишини асдойдил хоҳласак фарзандларимизнинг кўлига китоб тутқазишимиз керак. Бунда, аввало, она китобхон бўлиши зарур. Фақат у ўғил, қизининг мутолаага бўлган завқини ошириши мумкин.

8-с.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Оиладан маҳаллага, маҳалладан жамиятга элтувчи йўл



“Маърифатли оила” лойиҳаси ншга тушди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавий ва маърифат маркази ҳамкорлигида йирик лойиҳага қўл урилди.

Мақсад — оилаларга маърифат улашиш, зиё тарқатиш. Тарбия, садоқат, ватанпарварлик туйғуларини шу масканда улғайтириш, оиладан маҳаллага, маҳалладан бутун жамиятга олиб борадиган тизимни яратишдир.

Лойиҳа доирасида илк бор Тошкент шаҳри Олмазор туманида

намунали тарзда маънавий-маърифий тарғибот тадбири ташкил этилди. Бу жараёнда маҳаллаларда “Оқила аёллар”, “Китобхон оила”, “Болалар дунёси”, “Заковат”, “Уч авлод учрашуви” каби кўплаб тадбирлар бўлиб ўтди. “Маҳалла кечаси”да маънавий озуқа олиш билан бирга, меҳнат ярмаркаларида иштирок этиш, маҳорат эгаларидан хунар сирларини ўрганиш мумкин.

Тадбирларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев иштирок этди.

Уюшма вакиллари тоғли маҳаллага борди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари Деҳқонobod туманининг олис “Ойбек” маҳалласида ўрганиш ишларини олиб бориб, аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди.

Уюшма масъул ходими Аҳрор Ғуломов ҳамда Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи Долли Аллаев туман марказидан олис, тоғли маҳаллада аҳоли вакилларининг таклиф ва муносабатларини тинглади.

Уларни қонун доирасида ижобий ҳал этиш ва келгуси вазифалар юзасидан фикрлашилди.

Шунингдек, Уюшма масъуллари “Ойбек”, “Оққишлоқ”, “Гулистон” маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи “Оққишлоқ” кишлоқ участка шифохонасида бўлиб, беморлар учун яратилган шароитлар ва қулайликлар билан танишди.

Давоми 2-саҳифада.

САРҲИСОБ

Мақсадлар аниқ, ҳаракатлар муштарак



Айни кунларда ҳудудларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармалари бошлиқларининг 2024 йилининг 6 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни тинглангилар. Вилоятлар телевидениелари, Уюшманинг расмий саҳифаларида тақдим этилаётган брифингларда маҳаллаларда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилган, келгуси вазифалар ҳақида ахборот берилган.

2-саҳифа.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Темир дафтар”га киритишнинг янги тартиби тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларни «Темир дафтар»га киритиш, ҳисобини юритиш ҳамда ундан чиқариш тартибини «Темир дафтар»га киритиш, ҳисобини юритиш ҳамда ундан чиқариш тартибини тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Дафтарга қандай оилалар киритилади?
Низомга кўра, «Темир дафтар»га киритилган оилалар тоифасига аниқлик киритилди. Хусусан, бир вақтнинг ўзига оилада:
меҳнатга лаёқатли шахс мавжуд бўлмаса ёки ягона боқувчиси оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси(лари)ни парвариш қилиш билан банд бўлса;
оғир касал ёки ногиронлиги бўлган оила аъзоси мавжуд бўлса;
оила аъзоси ёлғиз ёки ёлғиз яшовчи бўлса;
боқувчисини йўқотган бўлса;
ягона боқувчи 3 ва ундан ортққ вояга етмаган фарзандларини тарбиялаётган ёлғиз она (ота, васий ёки ҳомий) бўлса;
2 ва ундан ортққ оила аъзоларида оғир касаллик ёки I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса;
оиланинг моддий аҳволи оғир бўлса;
уй-жойи йўқ ёки ҳолати ёмон аҳволда бўлса, оилалар дафтарга киритилади.



Давоми 2-саҳифада.

ТАЖРИБА

Ҳоким ёрдамчиси: истикболли лойиҳага имтиёз борми?

Маҳалламизда 2 200 нафардан зиёд аҳоли иштирок қилади. Ҳудудда йирик саноат корхонаси йўқ. Аҳоли, асосан, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик билан шуғулланади. Сувурғи еттиштириш, ундан турли хил дорғир буюмлар ясаш йўлга қўйилган.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаш жараёнида маҳаллада бир қатор тадқиқ ва сўровлар ўтказдим. Хатлов орқали ҳудуддаги оилаларнинг ижтимоий аҳволи, томорқадан фойдаланиш даражаси, тадбиркорлик билан шуғулланишга иштиёқини аниқлаб, “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Сувурғичилик маҳалла иқтисодиётининг “драйвери” сифатида белгилаб олинди. Хонадондаги меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб-хунар ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, даромад топишлари учун асбоб-ускуна ажратиш мақсад қилиб қўйилди.

Давоми 3-саҳифада.

МАҲАЛЛАГА ОИД 4 ТА ҚЎЛЛАНМА НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси чоп этган қўлланмалар орқали “маҳалла еттичилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш, муносабатлар билан ишлаш, аҳоли билан мулоқот маданияти, ҳудудда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш бўйича услубий амалий кўмак берилди.



ЯНГИ НАШР

Уларда раисларнинг вазифаларини муддатидан илгари тугатиш, янги раиснинг тасдиқланган ҳамда “еттичилик” аъзоларининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни юритиш тартиб-таомиллари баён этилган.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
бир гуруҳ ёшларга давлат
мукофотларини топширди
ҳамда ёшлар сиёсати
бўйича видеоселектор
йиғилиши ўтказди.



“Ёшлар куни муносабати
билан юртимизнинг
фаол ва ташаббускор ёш
авлод вакилларида бир
гуруҳини мукофотлаш
тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ
ФАРМОНИ имзоланди.



Шават Мирзиёев
“МАРД ЎҒЛОН” давлат
мукофоти билан
тақдирлаш тўғрисида”ги
қарорни имзолади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Мақсадлар аниқ, ҳаракатлар муштарак



Соғиндиқ ТУРМАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи:

Олти ой давомида Нукус шаҳрида 4 та, Конликўл туманида 1 та маҳаллага янги бино қуриб берилди, яқин фурсатда яна 29 та йиғин ўз биносига эга бўлади. Президент қарори асосида 452 та маҳаллага 226 млрд. сўм маблағ ажратилганди. Натижада 2 372 та объектда бунёдкорлик ишлари бажарилди. “Маҳалла бюджети” тизими орқали йиғинлар ихтиёрида 10 млрд. 290 млн. сўм маблағ қолдирилди.



Маҳмаджон НИШОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи:

Йил якунига қадар ҳар бир маҳаллада муаммолар таҳлил қилиниб, ечими бўйича ойма-ой график ишлаб чиқилади, ҳар чоракда маҳаллий Кенгашлар йиғилишида маҳалла раисларининг ахбороти эшитилади, “еттилик” лавозимига ватанпарвар фуқаролар, истисно тарикасида, қўшни маҳалладан номзодларни тайинлаш тизими амалиётга жорий этилади.



Муроджон УМАРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи:

Июль-декабрь ойларида 48 та маҳалла “қизил” тоифадан “сарик”қа, 165 та “сарик” маҳалла “яшил” тоифага ўтказилади, 28 минг 435 та камбағал оила босқичма-босқич бу камбағалликдан чиқарилади, уларга ер берилади, касб-хунар ўргатилади, субсидия ажратилади, томорқасидан кўп марта ҳосил олиш сирлари ўргатиб борилади.



Бахтиёр СОАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи:

6 ой давомида 68 872 млн. сўм солиқ тушуми йиғилиб, маҳалла бюджетига 6,8 млрд. сўм маблағ кириб қилинди, 3 118 нафар “оғир” тоифадаги ёшлар раҳбарларга номма-ном бириктирилди, 4 944 нафар ёшга 3 377 гектар ер майдони ажратилди, 309 та маҳалланинг 222 тасида ёки 71,8 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.



Долли АЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи:

Келгуси ойларида индивидуал дастур асосида 14 мингта хонадон камбағалликдан чиқарилади, 75,7 минг нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади, тадбиркорлик ривожланмаган 53 та маҳаллада тизимли иш олиб борилади, 2 242 та “маҳаллабай” микролойиҳалар ишга туширилиб, 9 018 та иш ўрни яратилади.



Ғофир АЛИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи:

Ўтган олти ойда 210 та маҳаллада бирорта жиноят содир этилмади. Вилоятдаги 5 та маҳалланинг бинолари янгидан қурилди, 350 та маҳаллада 2 сотихдан “Маҳалла боғи” барпо этилди. Жами 109 км. ички йўллар шағаллаштирилди ва 104 км. йўлга асфальт ётқизилди, 50 км. пиёдалар йўлагига қуриб битказилди.

Оиладан маҳаллага, маҳалладан жамиятга элтувчи йўл

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛАДА ТИКУВ ЦЕХИ ОЧИЛДИ

Қорақўл туманининг “Сайёт” маҳалласида фаолият юритаётган касб-хунарغا ўқиш мактабида ишга туширилган янги лойиҳа тумани камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириш борасидаги ижобий ишлардан яна бири бўлди.

Тикув цехининг очилиш маросимида Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси вакиллари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, “маҳалла еттилиги” аъзолари қатнашди.

Шундан сўнг, корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни ва тикувчилик маҳсулотлари кўздан кечирилди. Мутахассис ва тикувчилар билан суҳбатлашилди. Янги ўқув йилидан касб-хунар мактабида “дуал таълим” шакли жорий этилади. Эндиликда корхона билан ҳамкорлик натижа-сида мактаб ўқувчилари бир вақтда ҳам ўқиш, ҳам ишлаб даромад топиш имкониятига эга бўлишади.

ЧОРТОҚ МАҲАЛЛАЛАРИДА НИМА ГАП?

Республика ишчи гуруҳи ҳозирда Чортоқ туманида аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, камбағаллиқни қисқартириш, бандлиқни таъминлаш ҳамда мурожаатлар билан ишлашни кучайтириш бўйича ўрганишлар олиб бормоқда.

Жараёнда “Қорабоғ” маҳалласининг ўлмас кўчаси текисланиб, асфальт босишга тайёрланди. “Қорамурт” маҳалласидаги ўрганишларда 2 километр масофадаги ички йўлларда олиб борилаётган шағаллаш ишлари кўздан кечирилди. Худди шундай, “Ўзун кўча” маҳалласи фуқароларини узок йиллардан буюн умумфойдаланув йўл масаласи қийнаб келаётган эди. Ҳозирда мазкур кўчалар асфальтланмоқда. Республика ишчи гуруҳи вакиллари жараёнларни кўздан кечириб, масъуллар билан суҳбатлашди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Темир дафтар”га киритишнинг янги тартиби тасдиқланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Оилаларнинг белгиланган тоифага тўғри келиши кейс-менеджмент усули орқали аниқланади.

Ижтимоий ҳодим оилани ижтимоий дафтарга киритиш учун тавсиянома шакллантиради. Сўнгра уни кўриб чиқиш учун «маҳалла еттилиги»га кирилади. “Еттилик” тавсияномани уч иш кунинда коллегия тарзда кўриб чиқиб, қарор қабул қилади.

«Темир дафтар»га киритилган оиллага «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Хунармандчилик ва касаначилиқни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармаси орқали ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, субсидиялар ажратилади.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларга бир йил давомида «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдамлар сони чекланмайди.



Оилалар қуйидаги ҳолларда «Темир дафтар»дан чиқарилади:

- ҳар бир тоифа бўйича белгиланган ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотида олинганда;
- ўз аризасига қўра;
- «Темир дафтар»га киришда нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

“Маккада маҳалладаги режаларни тузиб олдим”

Ҳозирда Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларида муқаддас Ҳаж амалини адо этялмиш. Шўқри, бунинг учун ҳожиларга давлатимиз барча қўлайликларни яратиб берган. Маккага келишимиздан тўрттиб, зиёрат қилиш, ислом дини арконларини бажариш, юртга қайтишгача бўлган барча жараёнлар Президент назоратида. Мана шунча фазилатли ишлар билан бирга, шахсан Юртбошининг Ўз телефон орқали ҳожилар ҳолидан хабар олгани яна бир хурсандчилик бўлди...

Давлат раҳбарининг ўзбекистонлик ҳожилар ҳолидан хабар олиш учун Маккага шахсан кўнгироқ қилиши илгари ҳеч кузатилмаган эди. Дарҳақиқат, ҳаж мавсумига ўзгача тайёргарлик кўрилди. Жорий йилда қарийб 12 минг нафар юртдошимиз Саудия Арабистониди бўлиб қайтди.

Телефон орқали суҳбат чоғида Юртбошимиз: “...Энг катта мақсадим — ҳозирги таҳликали замонда маънавиятимиз, маърифатимиз, ўзгичимиз, тинчлигимиз, юртимиздаги шўқроналикни ҳар

бир зиёратчи келганидан кейин ўзининг кўчасида, маҳалласида янги Ўзбекистоннинг фидойиси бўлиб тарғиб қилса, ёшларимизга тарбия нуқтаи назаридан янги таъба-бўс билан келсанлар ва ташаббусларингизни бутун халқимиз қабул қилса”, — деб, мақсадларини билдирди.

Биз, ҳожилар Маккада туриб, яратилган имоният ва шароитларга жавобан — юртга қайтгач, ҳар куни маҳалла-ларда ёшларга Ватан туйғусини, юрт фаровонлигини сингдириб боришга, уларни илму маърифатга чорлашга,

аждодларимиздан фахрланиш туйғусини сингдиришга келишиб олдик.

Шахсан ўзим маҳалламга боргач, энг аввало, “Маънавият тарғиботчилари” жамоасини шакллантираман. Унга фидойи, зиёли, ёшлар тарбиясига камарбаста инсонларни жалб этаман. Режа асосида ҳар бир хонадонга кириш, ҳар бир оиланинг муҳитини ўрганиш, ёшлар билан самимий мулоқотни йўлга қўйишни мақсад қилдим. Дабдабали тўй, эрта ва шаръий никоҳ ҳолатлари-га йўл қўймаймиш, ёшларни

турли ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш чораларини кўраимиз. “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” тамойилини амалда қўллаймиш.

Ҳар хил маънавий таҳдидларга қарши кураш, аввало, оиламиздан, маҳалламиздан бошланиши керак. Бу борада лоқайдликка, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилидаги ёндашувларга ўрин қолдирмаймиш. Боки-мандалиқнинг олдини оламиз. Маккада турибману, ҳозирданок маҳалладаги жараёнларни қандай тартибда олиб бориш, ёшларга нурунийларни бириктириш режаларини тузиб қўйдим.

Насиб этса, юртга қайтгач, Маккаи Мадинада туриб қалбимизга туққан ниятларимизни, албатта, амалга ошираимиз. Президент ишончини оқлаймиш.



Зайнаб ҒАНИЕВА,
Яшнобод туманидаги
Ал-Бухорий номли маҳалла раиси.
Макка — Тошкент — Макка.



Президент Жиззахдаги “BYD UZBEKISTAN FACTORY” инновацион заводида ишлаб чиқарилган биринчи электромобилга имзо чекди.



Президент Зомин туманида II ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ анжуманининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Шавкат Мирзиёев Зомин туманида барпо этилаётган sanoat технопаркида ХИТОЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ иштирокидаги ilk лойиҳаларга старт берди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳоким ёрдамчиси олий маълумотга эга бўлмаса...

Наврўз ҲОЛИҚОВ.
Оқдарё туманидаги “Узуңқишлоқ” маҳалласи.

— Маҳаллада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга масъул ҳоким ёрдамчиси лавозимига олий маълумотга эга бўлмаган мутахассислар ҳам тайинланиши мумкинми?

Шерзод АТАЖОНОВ,
Маҳаллабй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ходими:

— “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, мазкур лавозимга кимлар тайинланиши мумкинлиги белгилаб ўтилган.

Номзод бакалавр даражасидаги олий маълумот(иқтисодиёт,

молия, солиқ, менежмент, банк иши, бухгалтерия, бизнес бошқаруви ва бошқа иқтисодий соҳаларида мутахассис)га эга бўлиши лозим. Тадбиркорлик фаолиятида (таъсисчи ёки мазкур тадбиркорлик фаолиятини бошқарган) юқори натижаларга эришган, интилувчан, қобилиятли, соҳада 5 йилдан ортиқ тажрибага эга тадбиркорлар, фаол ёшлар, истисно тариқасида олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Шунингдек, камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган, Инвестици-

ялар, sanoat ва савдо, Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларида, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплексларида кирувчи бошқа идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бўлим бошлиғидан паст бўлмаган лавозимда ишлаган раҳбар ходимлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларда раҳбар бўлиб ишлаганлар ҳам номзод сифатида қатнаша бўлади.

Номзод замонавий ахборот технологияларида ва интернет тармоғида мустақил фойдаланувчи сифатида турли иш дастурлари билан ишлаш бўйича етарли кўникмага эга бўлиши лозим.

Баҳолашда ҳудудларда иқтисодий ўсиш омилларини таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий стратегик дастурларни ишлаб

чиқиш, инвестицияларни жалб этиш ва юритиш сиёсати, ислохотларни мувофиқлаштириш ва бошқариш тажрибасига эга бўлган, чет тилини билиши (халқаро сертификатларга эга бўлган ёки хорижий мамлакатларда олий таълимни битирган) номзодларга устуңлик берилади.

Аммо фармонга мувофиқ, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат олий таълим муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра давлат гранти асосида сиртқи таълим шаклига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилган. Бу эса айни пайтида ҳоким ёрдамчилари, албатта, олий маълумотли бўлишини билдирди.



Номзод замонавий ахборот технологияларида ва интернет тармоғида мустақил фойдаланувчи сифатида турли иш дастурлари билан ишлаш бўйича етарли кўникмага эга бўлиши лозим.

ТАЖРИБА

Ҳоким ёрдамчиси: истиқболли лойиҳага имтиёз борми?

Нурматжон ҲОЗИЕВ,
Қувасой туманидаги “Чекхитой” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Белгилаган режани бажариш учун, авваламбор, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдим. Юқорида айтганимдек, анъанавий равишда ҳудуд аҳолиси супурги етиштириш ва ясаб, сотиш билан шуғулланади. Шундан келиб чиқиб, бу йўналишни кенгайтириш чорасини кўрдим. Етачки тадбиркорлар кўмагида хонадонларда супурги ишлаб чиқаришни кенгайтирган ҳолда, уни экспортга чиқариш йўлга қўйилди. 2023 йилда 1 млн. долларлик супургини хорижга етказиб бердик. Бағдод туманида жойлашган “Олтин водий” МЧЖда ҳунармандчилик маҳсулотлари, жумладан, сават ва челақ экспорти йўлга қўйилди.

Олдиндан иссиқхона билан шуғулланиб келган, ишини кенгайтириш истагида бўлган фуқароларга имтиёзли кредит ажратилди. Улар зарур кўчатлар, ўғитлар билан ҳам таъминланди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган Лазизбек Ботиралиева уй шароитида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун имтиёзли кредит олиб берилиши натижасида ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга тажрибада муаммоларни тезкор ҳал этиш, самардорлигини оширишга ёрдам берувчи тақлифлар ишлаб чиқдим. Фикримча, уч-тўртта маҳаллалар ўртасида касбга ўқитиш бўйича марказлар, мономарказлар ташкил қилиш жоиз.

Яна бир тақлиф – аҳолига берилган ерларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда сотувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ҳоким ёрдамчилари тақлиф этган истиқболли лойиҳалар алоҳида эътиборга олиниб, солиқ, кадастр, кредит масалаларида имтиёз берилиши зарур. Эндигина иш бошлаган янги тадбиркорларни, токи ўзи оёққа туриб кетмагунча, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Бундан ташқари, кредитлар фуқа-



ронинг ўз қарта рақамига ташлаб берилса, сотиб олинadиган маҳсулот таннархи арзонлайди. Маблағ сарфланиши назоратини ҳоким ёрдамчиси зиммасига юкланиши керак.

Саватсозликни ривожлантириш учун биринчи навбатда унинг ҳома-шэ базасини яратиш керак. Шу боис маҳаллаимиз аҳолисида деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш учун жами 10 гектар ер тақсимилаб берилди. Бу ерларга Америка ва Хитой толи қаламчалари экилди. Шу тариқа маҳаллада саватсозликни ривожлантириш орқали камида 100 та хонадон учун қўшимча даромад манбаи яратилди.

Мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда маҳалладан ўтувчи Андижон — Ўш катта магистраль йўли бўйида бўш турган ерда 90 та енгил конструкцияли савдо шохобчаси қуриляпти. Бу ерда бир йўла 180 нафардан зиёд аҳоли иш билан таъминланиди. Эътиборлиси уларнинг 45 нафари мигра-

циядаги ёшлар.

Ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушини қисқартириш мақсадида асарларчилик кооперацияси ташкил этганмиз. Мазкур кооперация орқали 20 та оилада иш билан банд бўлмаган аъзоларнинг бандлиги таъминланди. Касаначилик асосида етиштирилган маҳсулотни “Бағдод замин асали” масъулияти чекланган жамияти қилишган нархда харид қилмоқда.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида кредит ва субсидия орқали рўйхатда турган Муҳаммадали Ҳолизовга иссиқхона қуриб, турмуш ўртоғи Сайёра Ҳолизовага 10 қўтда асарлари оиласи ва тикув машинаси берилди. Бу билан оила ўзига тўқ хонадонлар қаторига қўшилди.

Шу ўринда бир муаммоимизни ҳал этишда кўмак сўраймиз. Президентнинг “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини қўллаб-қувватлаш чо-

ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, маҳалла фуқаролар йиғинига бино қуриш учун 2024 йилдаги “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида қатнашдик. Натижага кўра, 1 миллиард 360 миллион сўмлик лойиҳамиз энг кўп овоз тўплади. “ASR ARCHITECT PROJEKT” МЧЖ тендерда ғолиб чиқиб, қурилишни бошлаш мажбуриятини олганди. Аммо ҳозирги кунда қурувчи ташкилот тайёр эски бир қаватли тўрт хонани қайта қуришдан иборат лойиҳани тақдим этиб, шу лойиҳа бўйича қурилиш бўлишини айтмоқда. Сабабини сўрасак, Фарғона вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармасидан топшириқ бўлганини иддао қилишмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, маҳалла фуқаролар йиғини биносини замонавий, қулай, “маҳалла еттилиги” учун барча шароитларга эга шаклда қурилишида амалий ёрдам берилишини сўрайман.

БИЛАСИЗМИ?

Субсидия олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Субсидиянинг мақсади ва йўналишига қараб, талаб этиладиган ҳужжатлар бир-биридан фарқ қилиши мумкин. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз фуқаролар субсидия олиш учун қуйидаги маълумот ва ҳужжатларни «Онлайн маҳалла» электрон платформасига киритиши керак:



- ☑ фамилия, исми ва отасининг исми;
- ☑ доимий яшаш манзили;
- ☑ паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами);
- ☑ “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”нинг бирида турганлиги;
- ☑ сотиб олинadиган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларининг номи;
- ☑ сўралаётган субсидия миқдори;
- ☑ тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлиги.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Анорнинг маззаси меҳнат билан меҳрда



Муҳими, анорингиз билан “тиллаш” олсангиз, унга меҳр берсангиз, натижа қутилганидек бўлади.

Анордан юқори ҳосил олиш борасида миришкор боғbonларимиз бой тажрибага эга. Ушбу мақолада шундай тажрибалар асосидаги тавсиялар билан ўртоқлашамиз.

Ақсар ҳолларда анорнинг меvasи пишиш пайти ёрилиб кетади. Бу ҳолнинг олдини олиш учун анор кўчатини экаётган пайтда чуқури атрофига қиррали тош териб қўйиш керак. Шунда меvasи ёрилмайди, серҳосил бўлади.

Томорқасида аччиқ анори борлар уни кўчириб олиб ташлашга шошимасликни маслаҳат берамиз. Ақсинча, тагини очиб, томирларига табиий ўғит қўйилса, доналари ширин бўлади. Агар қуриган мевали дарахтлар кулини сув билан аралаштириб, бир неча кун томирга оз-оздан қўйиб турсангиз, серҳосил ва рангдор бўлади.

Соҳа мутахассисларидан яна бир фойдали тавсия — ёввойи новдаларини бутаб, чиқиндиҳонага ташламай сақлаб қўйинг. Ёз фаслида қуйдириб, туپроқ билан аралаштириб, анорга берсангиз, меvasини чиройли қилади. Турли суяк, жун, чарм қолдиқлари анорзорга қўмилса ҳам, меvasи сархил бўлади. Ток билан яқин экилса, ҳар иккиси серҳосил бўлади. Айрим уста боғbonлар ўз тажрибасида анорни нок дарахти билан пайвандлаб, юқори ҳосил олишган. Шунингдек, апельсин

дарахтига пайвандлаш усули ҳам яхши самара беради.

Баъзи боғbonлар анорларини офтоб уриб, қорайтириб қўйганидан нолийди. Албатта, бу ҳосилдорликка таъсир қилади. Юқоридаги нохуш ҳолатга сабаб анор дарахтига етарли миқдорда озуқа берилмаган. Агар ширин ва серҳосил мева олишни истасангиз, уни ўғитлашга эътибор беринг. Шунда анор меvasи офтобда қўймайди. Иложсиз ҳолда анор дарахтини кўпроқ кўёш тушадиган қисмига бир қават қуруқ хашак ташлаб қўйиш керак. Бу амал август ойининг кейинги иккинчи ярмида бажарилади.

Яна бир тавсия — экаётган кўчатингиз новдасини ёриб, ичидаги мағизини олиб, яна уни бир-бирига ёпиштириб, угада ёки латта билан ўранг. Тоza лой ва янги гўнг

билан суваб, ёрилган жойи ер юзасига уч бармоқ чиқиб турадиган қилиб экилади. Кўклагандан сўнг ёриқ устидаги қисмини кесиб ташлаб, парваришланса, меvasини уруғи бўлмайди.

Бундай тажрибадан ўтган тавсиялар жуда кўп. Муҳими, анорингиз билан “тиллаш” олсангиз, унга меҳр берсангиз, натижа қутилганидек бўлади.

Табиий ўғитлардан фойдаланиш натижасида меvasи тўкилмайди, пишиши тезлашади. Агар бақлаҳон ширасини анор гулга кирган пайтда сочсангиз, бу усул ҳам юқори ҳосил олиш гарови ҳисобланади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумоти асосида тайёрланди.



“Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Президент қарори билан парранда гўштини экспорт қилишда мавжуд барча ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Президент қарорига кўра, айрим тоифадаги ёшлар ТИЛ ЎРГАНГАНИ УЧУН БХМнинг 3 баравари миқдорида бир марталик моддий рағбатлантирилади.

ТАЖРИБА

“Ёшларнинг ҳал этилмаган муаммоси қолмади”

2024 йил бошида Президент бопчилигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида 4 миллион нафар ёшнинг 4 та сектор кесимида 6 та ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига оталикка бириктириб, янгича йўналишда ишлаш тизими белгиланганди. Тошхир асосида 1-секторга (мудофаа) 1 миллион нафар, 2-секторга (Бош прокуратура, ФВВ) 500 мингдан, 3-секторга (ШВВ) 1 миллион нафар ва 4-секторга (Адлия, Миллий гвардия) 500 мингдан ёшлар тақсимланган.

Наврўзбек ОЗОДОВ,
Хива туманидаги “Истиклол”
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда оталикка олинган ёшлар билан ишлаш бўйича ягона ёндашув жорий этилди. Йил бошида ўтказилган хатловда 812 нафар ёшлар “Ёшлар баланси”га рўйхатга олинди. Уларнинг 486 нафари яшил, 326 нафари сариқ, 17 нафари қизил тоифага ажратилди. Ўз навбатида бандлик ҳолати, қизиқиши ва иқтидори аниқланиб, 21 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилди.

Оғир тоифадаги ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида Хива тумани ҳокимининг камбағалликни қисқартириш бўйича ўринбосари Ботирбек Худойберггановга 17 нафар йигит-қиз якка тартибда ишлаш учун бириктирилди. Бундан ташқари, белгиланган 7 та йўналишда самарали иш ташкил этиш учун Хоразм вилояти фавқулодда вази ятлар бошқармаси ходими, капитан Иззат Полванов ҳамда Хива тумани бўлими ходими, лейтенант Шерзод Отажонов бириктирилди.

Бу мутахассислар олиб борган ҳамкорлик натижасида оғир тоифадаги ёшларнинг 14 та муаммоси



Ўтган йили оғир тоифада 20 нафар ёшлар рўйхатга олинган бўлса, бугунги кун ҳолатига маҳаллада бирорта жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилмади.



Йил бошидаги хатловда аниқланган 34 нафар ишсиз ёшларнинг 2 нафари доимий ишга жойланди.

аниқланди. Бугунга келиб, барча муаммо ҳал этилди. Жумладан, 5 нафарига “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, 15 сотихдан ер ажратилди. Мунтазам дарс қолдираётган Шоира Отабоева ҳамда Азизбек Эшчонов билан якка тартибда суҳбатлашганимизда ҳар иккови немис тилини ўрганиб, қонуний тартибда Германияга ишлаш учун бормоқчилиги аниқланди. Шу

боис улар немис тили курсига жалб қилинди. Дониёр Рустамовга тadbир-корликка қизиқиши борлиги учун имтиёзли кредит ажратилди. Қолган 3 та ҳолатда ёшлар доимий ишга жойланди.

Эътиборлиси, янги тизим самарасини узоқ куттирмади. Ўтган йили оғир тоифада 20 нафар ёшлар рўйхатга олинган бўлса, бугунги кун ҳолатига маҳаллада бирорта жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилмади. Президент ташаббуси оғир тоифадаги ишсиз ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ҳам оширди. Йил

бошидаги хатловда аниқланган 34 нафар ишсиз ёшларнинг 2 нафари доимий ишга жойланди. 9 нафарига кредит ва субсидия ажратилди. 21 нафарига ер берилди. 2 нафари замонавий касбларга ўқитилди.

Масалан, ишсиз сифатида оғир тоифага киритилган Мирзобек Отажонов 15 сотих ер олиб, деҳқончилик фаолиятини бошлаганди. Бугун қилган полиз маҳсулоти сотишга тайёр. Биринчи экиннинг ўзидан 20 миллион сўм, йилига 60 миллион сўм даромад кўзламоқда. Анбаржон Раҳимовга қизиқиши ва қобилиятига асосан, 33 миллион сўм кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди. Яна бир йигитимиз — Йўлдошбой Ёқубов ҳар йили хорижга бориб меҳнат қиларди. Унга маҳалладаги бўш турган бинодан бепул фойдаланиш тавсия этилди. Натижада бу ёшимиз авто-мобилларга техник хизмат кўрсатиш қорхонаси ташкил этиб, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Бир сўз билан айтганда, янги тизим жорий этилгач, маҳаллада оғир тоифадаги ёшларнинг ҳал этилмаган муаммоси қолмади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилафрўз АЛЛАЁРОВА.
Пайариқ туманидаги “Тошҳовуз” маҳалласи.

— Агар маҳалла ёшлари бирлашиб, ўз футбол жамоасини тузишни истаса, кимга мурожаат қилади? Бу борада қандай амалий ёрдам кўрсатилади?

“МАҲАЛЛА ФУТБОЛ ЖАМОАСИНИ ТУЗМОҚЧИ БЎЛСАК...”



Шаҳзодбек
ҚАҲУМОВ,
Ёшлар ишлари
агентлиги
мутахассиси:

— “Маҳаллаларда футбол инфратузилмасини ривожлантириш ва тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига бу саволга батафсил жавоб берилган.

Қарорга кўра, ҳудуддаги ёшлар футбол бўйича ўз жамоаларини тузмоқчи бўлишса, ёшлар етакчисига мурожаат қилиши мумкин.

Яъни, юқоридаги қарорда етакчиларга қўшимча вазифалар юклатилган. Жумладан маҳалла ёшларини оммавий ва профессионал футболга қизиқтириб, бу борада турли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради.

Маҳаллаларда мавжуд бўлган футбол бўйича спорт иншоотлари ҳамда бошқа спорт майдончаларидан тизимли ва самарали фойдаланилишини, футбол бўйича эркаклар ва аёлларнинг турли ёш тоифалари кесимидаги “маҳалла терма жамоа”ларини шакллантириш ҳамда уларни тайёрлашни ташкил этади.

Маҳалла ёшларининг футбол билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилганлигини таҳлил қилиб боради ҳамда футболни ривожлантириш бўйича спорт-таълим ташкилотлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўяди.

Маҳаллалардаги ёш иқтидорли футболчиларни аниқлаб, уларни профессионал футбол таълим муассасаларига йўналтиради.

Шунингдек, футбол инфратузилмасини ривожлантириш, спорт инвентарлари билан таъминлаш ва маҳалла терма жамоаларига қўшимча шарт-шароитларни яратиш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига таклифлар киритади.

БИЛАСИЗМИ?

Намунали етакчи қандай аниқланади?

“Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, соҳанинг энг яхшиларини аниқлаш белгиланган. Танлов 10 та йўналишда маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимида камида битта маҳаллада 6 ой давомида фаолият юритаётган, амалий иш тажрибасига эга маҳалладаги ёшлар етакчилари ўртасида ўтказилади.



Танловнинг, жумладан, “Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар билан тизимли ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси” йўналишида ички ишлар органлари ҳисоботида ёшлар жиноятчилигини ўтган даврдагига нисбатан жорий йилда камайган деб топилган маҳалла етакчилари қатнашади.

Шунга кўра, ҳар йили 5 сентябргача Ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилади.

Рўйхатдан ўтиш ҳар йили 5–30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Танловнинг: туман (шаҳар) босқичи – ок-

тябрь ойида;
ҳудудий саралаш босқичи – ноябрь ойида;
республика финал босқичи – декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Республика босқичи ғолиблари қуйидаги имтиёزلарга эга бўлади: юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритиш; ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим ташкилотларига малака оширишга юбориш.

Шунингдек, ғолиблар “Маҳалла ифтихори” кўрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилади.

Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

“Жорий йил бошидан жиноятчилик жиловланди”

Маҳалламизда 3 628 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 1 130 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлар. Ўрганишлар натижасида 18 нафарига алоҳида эътибор қаратиб, “Ёшлар дафтари”га киритилди. Мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиш, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари шиллаб чиқилди.

Содиқжон БАХТИЁРОВ,
Каттакўрғон туманидаги
“Чароғон” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Гулбахор Рустамова ишсиз сифатида рўйхатга олинган эди. У билан суҳбатлашганимизда тикувчиликка қобилияти борлигини аниқладик. Шундан келиб чиқиб, субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Яна бир ишсиз тенгдошимиз Аббор Пирмаматовга инкубатор ускунаси олиб бериб, доимий иш билан таъминланди. 2 нафар ишсиз қиз касб-ҳунар мактабида тикувчилик сирларини ўрганди.

Фотима Муртозаеванинг компьютерга қизиқишини ҳисобга олиб, уни “IT” ўқув марказига

ўқишга юбордик. Бир неча ёшларимизни “уста-шоғирд” анъаналарига кўра касб ўрганишларини ташкил қилганмиз. Банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига мотокультиватор олиб бериш ҳисобига ишсиз юрган ёшларимиздан бири энди доимий даромад манбаига эга бўлди.

Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтини кўнглили ва мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада доимий равишда турли кўнглилор тadbирлар, ижодий ўнрошувлар, кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ташкил этилиб, унда ёшларнинг фаол иштирок этишига эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла ёшларидан ташкил топган жамоалар “Заковат” интеллектуал ўйинининг сектор



босқичида 2-ўрин, “Кувноқлар ва зукколар” баҳсида 3-ўринни эгаллашди. Маҳалла ёшлари орасида бу каби танловларнинг туман ва вилоят босқичи қатнашчилари кўпчиликини ташкил қилади.

Яна бир қувонарли рақамга эътибор қаратмоқчиман. Жорий йилнинг шу давригача ёшларимиз

орасида бирорта жиноятчилик содир этилмади. Бу борада нуруний отахонлар билан таъминлаш ҳамкорлик қилияпмиз. Ҳозирда тарбияси оғир ҳисобланган 3 нафар ёшнинг ҳар бирига кекса ва тажрибали отахонлар бириктирилиб, муаммосини бартараф этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

ТАЖРИБА





Таниқли ёзувчи,
жамоат арбоби
БЕГИЖОН АҲМЕДОВ
“Қирғиз Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
арбоби” унвонига
сазovor бўлди.



Япония
тажрибаси
асосида Ўзбекистонда
КРЕВЕТКА
етиштирилади.



Ўзбекистонда
ЮК ВАГОНЛАРИНИ
ишлаб чиқарувчи
 завод курилади.

ҚўЛЛАНМА

Хисобга олиш дастурлари қандай интеграция қилинади?

Дастур билан бир қаторда, дастурга техник хизмат кўрсатувчи марказ (ТХКМ) ҳам давлат реестрига киритилиши зарур.

Аҳмад ФАЙЗИЕВ,
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) мажбурий равишда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши ва Давлат реестрига киритилиши лозим.

Интеграция қилиш ва давлат реестрига киритиш учун қуйдаги бошқичларни амалга ошириш зарур:

- ҳисобга олиш дастурлари ишлаб чиқарувчиси интеграция бўйича Фискал маълумотлар оператори (ФМО)га ариза билан мурожаат қилади;
- аризага асосан, ФМО ҳамда ишлаб чиқарувчи ўртасида шартнома



Ваколатли орган ҳужжатларини ўрганади, камчиликлар аниқланмаса реестрга киритиш бўйича қарор қабул қилади.

имзоланиб, интеграция амалга оширилади ҳамда қарор талабларига мувофиқлаштиради;

- ишлаб чиқарувчи интеграция яқуни бўйича хулоса олиш учун ариза билан

ФМОга мурожаат қилади;

- интеграция белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилганда ижобий хулоса тақдим этилади.

Шундан сўнг, **ишлаб чиқарувчи**

қуйдаги ҳужжатларни Солиқ қўмитасига тақдим қилади:

- ҳисобга олиш дастурининг эталон намунаси;
 - дастурнинг мувофиқлик сертификати;
 - давлат реестрига киритиш бўйича ариза;
 - шакллантирилган чек намунаси;
 - дастурнинг техник паспорти;
 - фойдаланиш ҳужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ва солиқ инспектори йўриқномаси);
 - ариза берувчининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тўғрисида кафолат хати;
 - “Киберхавфсизлик маркази” ДУК хулосаси;
 - ФМО хулосаси;
 - дастурнинг муаллифлик ҳуқуқи (патент).
- Ваколатли орган ҳужжатларни ўрганади, камчиликлар аниқланмаса реестрга киритиш бўйича қарор қабул қилади. Шундан сўнг, ФМО дастурнинг завод ёки серия рақамларини Давлат реестрига киритади (камчиликлар аниқланганда рад қилинади, ишлаб чиқарувчи хатоларни тўғрилаб қайта мурожаат қилиши мумкин).

Дастур билан бир қаторда, дастурга техник хизмат кўрсатувчи марказ (ТХКМ) ҳам давлат реестрига киритилиши зарур. Бунинг учун **Солиқ қўмитасига Давлат реестрига киритиш бўйича ариза ва қуйдаги ҳужжатлар юборилади:**

- ишлаб чиқарувчи ёхуд унинг ваколатли вакили билан тузилган шартнома нусхаси;
- ТХКМнинг фаолият юритиш жойи бўйича қўчмас мулкка ёки ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат(лар);
- “Call-markaz”га эга эканлиги тўғрисида маълумот;
- дастурга хизмат кўрсатиш бўйича малака сертификатида эга бўлган мутахассис(лар) тўғрисида маълумот.

Шундан сўнг, ТХКМ ва ФМО ўртасида фискал модул билан таъминлаш тўғрисида шартнома имзоланади. ТХКМ малакали мутахассиси ФМО ахборот тизимида киритади ва унга фойдаланишга рухсат беради. Шунингдек, ТХКМ сўровига асосан, ФМО фискал модул билан таъминлайди.

Интеграция қилиш учун ФМОга хатлар **info@yt.uz** манзили орқали юборилади. Хат намуналарини **ofd.uz** сайтидан олишингиз мумкин.

СОЛИҚЧИ – ҚўМАҚЧИ



Битта солиқчига тўртта маҳалла. Албатта, хоҳлаймизми йўқ, бундай катта ҳудудда фуқаролар билан ишлашнинг ўзига яраша машаққати бор. Бу, ўз навбатида, айрим солиқ тўловчиларга ўз вақтида ёрдам беролмасангиз нотўғри тушунчани шакллантиради.



Тўртта маҳаллага битта солиқчи. Бу кам эмасми?..

Солиқ соҳасида 12 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳаллаларга тушиб ишлаши катта самара берадиган. Аввало, солиқ тўловчиларга маҳалланинг ўзида зарур қўмак кўрсатилиб, муаммолар жойида ҳал этилмоқда.

Бугун маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторлари нафақат маҳалласи бўйича солиқ тушувларини ошириш, балки тадбиркорлар муаммоларини аниқлаб, уларни ҳал этиш билан ҳам шуғулланмоқда. Натижада тадбиркорлик

билан норасмий шуғулланаётганлар фаолияти қонунийлаштирилмоқда, ўзини ўзи банд қилганлар кичик бизнес тоифасига ўтапти.

Бугунги кунда менга бириктирилган “Алас”, “Қўчабоши”, “Элатан”, “Эшонтўпи” маҳаллаларида 76 та юридик шахс, 100 та яқка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. 1 820 та объект ер ва мол-мулк солиғи тўловчиси сифатида рўйхатга олинган. Жорий йил 20 та янги тадбиркор рўйхатдан ўтказилиб, 16 тасининг фаолияти тикланди.

Шунингдек, норасмий секторда фаолият юритаётган 263 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Утган май ойида режадаги 171,9 млн. сўмни ортиғи билан 219,2 млн. сўм(127,5 фоиз)га бажардим. Бу ой ҳам

234,9 млн. сўмлик режани 103 фоизга етказдик.

Битта солиқчига тўртта маҳалла. Албатта, хоҳлаймизми йўқ, бундай катта ҳудудда фуқаролар билан ишлашнинг ўзига яраша машаққати бор. Бу, ўз навбатида, айрим солиқ тўловчиларга ўз вақтида ёрдам беролмасангиз нотўғри тушунчани шакллантиради. Шу боис солиқ тўловчилар билан янада яқин ишлаш ҳамда солиқ тушумини ошириш учун солиқ ходимлари сонини кўпайтириш керак. Ана ўшанда натижадорлик янада ортади.

Илҳом ШОАБДУЛЛАЕВ,
Учқўрғон туманидаги
“Алас”, “Қўчабоши”, “Элатан”, “Эшонтўпи”
маҳаллалари солиқ инспектори.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

АВТОКАМЕРАЛ: текширувдан олдинги таҳлил

Ушбу автоматлаштирилган тизимнинг жорий қилиниши солиқ тўловчиларга бир қатор афзалликлар яратди.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Текширувдан олдинги таҳлил – тақдим этилган солиқ ҳисоботини ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотни солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказиладиган автоматлаштирилган таҳлилдир.

Текширувдан олдинги таҳлил солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғисиз, “Автокамерал” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. Мазкур тизимда жорий қилинган мезонлар мантикий шартлар ва алгоритмлар асосида, тадбиркорлик субъектлари тақдим этган солиқ ва молиявий ҳисоботларда келтирилган кўрсаткичлар билан солиқ органларида мавжуд маълумотларни (жумладан, электрон ҳисобварақ-фактура, экспорт-импорт операциялари, онлайн касса техникаси чеклари ва ҳ.к.) автоматлаштирилган тартибда таққослайди.

Агар текширувдан олдинги таҳлил чоғида солиқ органи тақдим этган солиқ ҳисоботида солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар билан тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига солиқ ҳисоботида тегишли тузатишлар киритиш тўғрисида хабарнома юборилади.

Хабарномада қайд этилган тафовут суммасининг батафсил ҳисоблаш тартибини кўриш учун

ушбу хабарноманинг пастки қисмида “Тафовутнинг ҳисобланиш тартиби (формуласи)” тугмасини босиш лозим. Шундан сўнг автоматик тарзда **my3.soliq.uz** порталидаги шахсий кабинетда тегишли ойна очилади. Унинг қуйи қисмида “мутахассис ёрдами” модули орқали масъул мутахассислар билан қўшимча саволлар юзасидан телефон орқали боғланган ҳолда жавоблар олишлари мумкин.

Солиқ тўловчи тегишли тузатишлар киритиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан эътиборан **10 кунлик муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт**. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаганлиги солиқ органи солиқ тўловчида камерал солиқ текширувини тайинлаш учун асос бўлади.

Текширувдан олдинги таҳлил аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёки аниқланган тафовутлар асосномаси солиқ тўловчи тақдим этган ёхуд камерал солиқ текшируви тайинланган санадан эътиборан **яқунланган ҳисобланади**.

Ушбу автоматлаштирилган тизимнинг жорий қилиниши солиқ тўловчиларга бир қатор афзалликлар яратади. **Жумладан:**

- солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисобланиши ҳамда тўланишини таъминлашда қўмаклашди;
- уларнинг фаолиятида юзага келган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни мустақил равишда бартараф этиш имконини беради;
- уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган молиявий жаримлар, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораларининг олди олиншини таъминлашда хизмат қилади;
- уларнинг фаолиятига асоссиз аралашши ва коррупсия ҳолатларини чеклаш ҳамда маъмурий босимларни камайтиришга имконият беради.

БИЛАСИЗМИ?

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО НЕГА КЕРАК?

Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан солиқ тўловчилар бир қатор масофавий хизматларда фол фойдаланади. Масалан,

- **Юридик ва жисмоний шахсларнинг шахсий кабинетларида** – **my3.soliq.uz**;
- **Ягона интерактив давлат хизматлари порталида** – **my.gov.uz**.

ЭРИни **e-imzo.soliq.uz** сайти орқали масофадан олиш мумкин.

ЭРИ нархи:

- **жисмоний шахслар учун** – БХМнинг 7 фоизи = 23 800 сўм;
- **юридик шахслар ва ЯТПлар учун** – БХМнинг 10 фоизи = 34 000 сўм.

Солиқ мобил иловасида ЭРИ учун тўлов қилиш мумкин.



ЯНГИЛИК

ИНТЕРАКТИВ ТАҚВИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

My3.soliq.uz сайтыдаги Юридик шахсларнинг шахсий кабинетига солиқ тўловчиларнинг интерактив тақвими жорий этилди. Янги интерактив тақвим ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларига мослаштирилган бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботларини ўз вақтида

тақдим этиши ҳақида маълумот бериб боради. “Менинг тақвимим” бўлимида ўз вақтида тақдим этилган ҳисоботлар, келгуси ҳисоботлар, шунингдек, тақдим этилмаган ҳисоботлар ҳақида батафсил маълумотлар акс этади. Яқин кунларда интерактив тақвим ҳақида онлайн-семинар ўтказиш режалаштирилган. Ушбу семинарда сизларни

қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб беради. Саволларингизни Солиқ қўмитасининг **soliq.uz** сайти ёки Солиқ мобил иловасидаги “Бизга хабар юборинг” қайта алоқа тизими орқали йўлланг. Хозирда интерактив тақвим тест режимида ишломда.

Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси
бош инспектори.



Ким Нам Сок
Ўзбекистоннинг
“IT” йўналиши бўйича
Жанубий Кореядаги
ФАХРИЙ ЭЛЧИСИ бўлди.



Ота-оналар билимини
оширишга қаратилган
“НАМУНАЛИ ОТА-ОНАЛАР
МАКТАБИ” лойиҳаси
амалга оширилади.



Халқаро гиёҳвандликка
қарши кураш кунинда
Тошкентда 2 ТОННАДАН
ЗИЁД гиёҳвандлик
воситалари ёқиб
юборилди.

“Hamster Kombat” – текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади



Сўнгги
кунларда
Telegram
пловасида-
ги “Hamster
Kombat” деб
номланган
ўйин ёш
қари ўрта-
сида кенг
оммаланди.
Афсуски,
фойдаланув-

чилар ўйиннинг моҳиятини тушуниб-тушунмай
сичқонча (“Ҳамяк”)нинг қорини босиб, тангачалар
йингил билан овора. Уларнинг фикрига кўра, шу йўл
билан тўпланган тангаларни сотиб, биржадан мў-
май даромад топиш мумкин. Билинмайдики, текин
пишлоқ фақат қопқонда бўлади.

Хўш, “Hamster Kombat” қандай ўйин?
У қанчалик ишончли, қонун билан
ҳимояланганми? Бу борада **Истиқ-
болли лойиҳалар миллий агентлиги**га
Ўзбекистонликлар бундай ўйин ҳисоб бирлик-
ларини қонуний равишда харид қилишлари
ёки сотишлари мумкинми, Ўзбекистонда
“Play-to-earn” тамойили бўйича ташкил этил-
ган ўйинлар фаолияти қонунийми, “Hamster
Kombat” ўйинида тўпланган ҳисоб бирликлари
крипто-актив саналадими, мазмунида кўплаб
саволлар келиб тушмоқда. Агентлик мутахас-
сислари қуйида энг кўп бериладиган савол-
ларга жавоб берган.

– “Hamster Kombat” – Play-to-earn тоифаси-
даги ўйинми?

– Play-to-earn – ўйин орқали реал пул ёки
бошқа қимматли муқофотларни олиш мумкин
бўлган ўйин тури. “Hamster Kombat” ўйини
мазкур тоифадаги ўйинлар қаторига кирмай-
ди. Чунки ўйинида тўпланган тангалар (ҳисоб
бирликлари) утилитар крипто-активлардан

фарқли ўлароқ, таъминланмаган ва реал фой-
да келтирмайди.

– “Hamster Kombat” ўйинида тўпланган
ҳисоб бирликлари крипто-актив саналадими?

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги-
га кўра крипто-актив, бу – маълумотларнинг
тақсимланган реестри (блокчейн)даги рақамли
ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига
эга мулкый ҳуқуқ. “Hamster Kombat” ўйинида
эса тўпланган ҳисоб бирликлари юқорида-
ги таърифга мос келмайди ва блокчейнга
эга эмас. Шунга кўра, мазкур бирликлар
крипто-актив эмас.

Бироқ келажақда “Hamster Kombat”да-
ги тангалар блокчейнга ўтиши ва шу билан
крипто-активга айланиши мумкинлиги ин-
кор этилмайди. Кейинчалик крипто-активни
тарқатиш мақсадида у крипто-платформалар-
да листингдан ўтказилиши мумкин. Шу билан
бирга, бундай крипто-активлар акс ҳолларда
фойдали функционалликнинг йўқлиги сабабли
рўйхатга олинганидан кейин қисқа вақт ичида

қадрсизланади.

– “Hamster Kombat” ўйинида тўпланган
ҳисоб бирликларини улар крипто-платфор-
маларда рўйхатга олинганидан кейин харид
қилиш ёки сотиш қонуний бўладими?

– “Hamster Kombat” ўйинида тўпланган
ҳисоб бирликлари крипто-актив деб тан-
олинса, уларни фақат крипто-активлар айлан-
маси соҳасидаги миллий хизмат кўрсатувчи
провайдерлар орқали харид қилиш ёки сотиш
мумкин бўлади. Бунда улар крипто-биржа
котировкалар вақари ёки крипто-дўконнинг
савдо саватига киритилган бўлиши зарур.

– “Hamster Kombat” ўйинининг Ўзбекистон-
даги фаолияти Агентлик томонидан тартибга
солинадиган соҳаларга қирадимми?

– “Hamster Kombat” ўйинининг ҳисоб бир-
ликлари блокчейнга эга бўлмагунича, уларнинг
айланмасини тартибга солиш Агентлик вақола-
тига қирмайди.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.



“Келажақда ҳудудимизни дронлар назорат қилади”

Иzzат ХУДОЕВ,
Жондор туманидаги
“Ушот” маҳалласи
профилактика инспектори.

Жондор туманининг энг обод
манзили – “Ушот” маҳалласи.
Аслида “Ушот” сўзи кенг
нурли ва обод масканлардан
бири, деган маънони билдиради.
Орадан асрлар ўтиб, маҳалламиз кўҳна
маъносига монанд ривожланыпти.

Тўрт мингдан ортиқ аҳоли
истикомат қилаётган ҳудудда янги
маҳалла идораси қурилиб, “маҳалла
еттилиги” учун барча шaroитлар
яратилди. Замонавий маҳалла
гузари, савдо дўконлари, маиший
ва тадбиркорлик объеклари барпо
этилди. Йўлақлар тартибга келтирилиб,
ободонлаштирилди. Кўчаларга тунги
ёриткичлар қўйилди. Болалар ўйингоҳи
ташқил этилди. Нуронийлар чойхонаси,

“Хунарманд ва тадбиркор хотин-қизлар”
маркази очилди. Бугун хунармандлар
маҳалласи “Ушот” – ишсизликдан холи
ҳудуд.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани
йўқ. Аввало, “маҳалла еттилиги”нинг
биргаликдаги саъй-ҳаракати
натijasидир. Ўз йўналишимдан келиб
чиқиб айтадиган бўлсам, бундан икки
йил аввал маҳалла жиноятчилик бўйича
“сарик” тоифада турарди. Ҳудудда
кўпроқ турли майда безорилик,
товламачилик жиноятлари қайд этилган.
Ҳатто ўтган йили гиёҳванд моддалар
билан шуғулланувчи шахсни кўлга
олдик. Ижтимоий профилактика тизими
асосида ҳуқуқбузарликлар содир этишга
мойиллиги бўлган шахслар билан
алоҳида ишладик.

Жорий йилдан “маҳалла еттилиги”
фаолияти ташқил этилгач, иш
самарадорлигимиз янада ортди. Ҳар
бир муаммони биргаликда ҳал этяпмиз.
Ёшлар ва жанжалли oilалар билан

тизимли ишлаяпмиз. Спиртли ичимликка
ружу қўйган иккита oilа бошлиғини
тўғри йўлга қайтардик. Қувонарлиси,
йил бошидан жиноятчиликдан холи
ҳудудга айланиб, “яшил” тоифага ўтдик.

2024 йилгача бир-иккита асосий
йўлда ва тадбиркорларнинг савдо
объектларида кузатув камералари
ўрнатилган эди. Шарoит етарли
бўлмаган учун улар интеграция
қилинмаганди. Жорий йилдан
бошлаб, аҳоли гавжум жойларида
– мактаб, боғча, савдо дўконлари
ҳамда чорраҳа, барча кириш-чиқиш
йўлларга 51 та замонавий кузатув
камераси ўрнатилиб, уларнинг 36
таси хизмат хонамга интеграция
қилинди. Ушбу камераларнинг
олдингилардан афзаллиги шундаки,
унинг хотирасига маҳалладаги барча
фуқароларнинг рўйхати киритилган.
Агар ҳудудга рўйхатда бўлмаган бегона
бирор шахс қирадиган бўлса, ушбу
қурилма огоҳлантириш сигналин

беради. Замонавий кузатув камераси
фуқароларни юзидан, автомобилларни
эса давлат рақами белгисидан таниш
имкониятига эга.

Яқин келажақда ҳар бир
профилактика инспекторлари ўз
ҳудудларини дронлар ёрдамида назорат
қилиш имконига эга бўлади. Биз бу
амалиётни синовдан ўтказдик. Келгусида
дронлар ёрдамида фуқаролар гавжум
жойларни назорат қилишимиз, жиноят
содир қилиб назорат остига олинган
шахсларни кузатиш, томорқа ерлардан
самарали фойдаланишни, экин ерларида
таркибида гиёҳванд моддаларни
аниқлаш, фуқароларнинг атроф-муҳит
ва экологияга бўлган муносабатларини
кузатиб бориш имконига эга бўламиз. Бу
борада тумандаги барча профилактика
инспекторлари учун дронлар билан
ишлаш бўйича семинар ташқил
этилди. Эътиборлиси, бугун “қизил”
тоифадаги профилактика инспекторлари
фаолиятимиз билан яқиндан
таништимокда.

Қувонарлиси, бугун профилактика
инспекторларининг хизмат фаолияти
учун зарур шaroитлар яратилмоқда.
Масалан, менга хизмат уйи, хизмат
машинаси берилган. Хизмат уйим билан
маҳалла идораси оралиғи 500 метр.
Энди фақат ишлаш қолди, холос.

суд ҳукми

Нилуфар ИСОХОНОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Ахборот хизмати бошлиғи.

Фарзандига чиройли исм қўйиш
ота-онага фарз. Бекзоднинг
ҳам ота-онаси ўзига бек,
ўқимшили, олижаноб, ақлли,
давлатманд бўлсин деган
ниятда шу исмни қўйди.

Бироқ у кўп вақтини интернет
тармоғидаги турли сайтлар ва
каналларга кириб ўтказишни одат қилди.
Реал иш қидириш ўрнига, кўнглига
ёқадиган, асосийси, тер тўкмай мўмай
пул олиб келадиған ишни ижтимоий
тармоқлардан қидира бошлади. Шундай
уринишларнинг бирида, аниқроғи 2023
йилнинг июнида чет давлатларга ишга
жўнатувчи гуруҳ ҳақида эшитди.

Бекзод саккиз минг АҚШ долларини
эвазига Америка давлатига юбориш
мумкинлиги ҳақидаги эълонни ва унда
кўрсатиб ўтилган маълумотларни билиб
олди. Ўзи ҳам шундай фаолият билан
шуғулланишга қарор қилди.

Ҳадемай, унинг телеграм канали
ишга тушди. Унга қўнғироқ қилган

шахс АҚШ давлатига бориш шартлари
билан қизикди. Бекзод ўз хизматини 17
минг АҚШ долларига баҳолади. Туркия
орқали Мексикага ва ундан Америкага
ўтказишини айтиб, ишонтиради. Ваъдани
қуюқ қилган Бекзод уч кишини алдаб,
51 минг АҚШ долларига чув туширишни
режалаштиради. Бироқ Америка
орзусидаги орзумандларнинг биридан
айтилган суммани олаётган вақтида

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар
ҳодимлари томонидан қўлга олинади.

– Тергов жараёнида у чет элга
олиб чиқиш қоидаларидан мутлақо
беҳабарлиги, бу ҳақда тасаввурга ҳам
эга эмаслиги, шунчаки телеграмда
ҳазиллашганини баён этди. Аммо бу
ақдовларга ҳодимларни ишонади деб
йўлаб, хато қилди. – дейди мазкур
жиноят ишнн тергов қилган Чилонзор

тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими катта
терговчиси, майор Қамолитдин Нарзиев.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор
туман суди етказилган зарар
қопланганини инобатга олиб, Бекзодни
Жиноят кодексининг 168-моддасига
(“Фирибгарлик”) асосан, ҳар ойлик иш
ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига
ушлаб қолинган ҳолда, 1 йил 6 ойга
ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Облоқул ПЎЛАТЖОНОВ.
Хоразм вилояти.

– Улушли мулкдаги мол-мулкни
тақсимлаш ҳақида тушунтириш
берсангиз?

МОЛ-МУЛК УЛУШИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Музаффар ХОЛЛИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Шовот
туманлараро суди судьяси:

– Фуқаролик кодексининг
223-моддасига кўра, улушли
мулкдаги мол-мулк иштирокчилар
ўртасида уларнинг келишувига
мувофиқ тақсимланиши мумкин.
Улушли мулк иштирокчиси ўз
улушини умумий мол-мулкдан
ажратиб беришни талаб қилишга
ҳақли. Улушли мулк иштирокчилари
умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки
улардан бирининг улушини ажратиш
усули ва шартлари тўғрисида
келишувга эриша олмасалар, улушли
мулк иштирокчиси ўз улушини асл
ҳолида ажратиб беришни суд орқали
талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб
олишга қонун йўл қўймаса ёки уни
умумий мулк бўлган мол-мулкка
номутаносиб зарар етказмасдан
ажратиб олиш мумкин бўлмаса,
ажралиб чиқаётган мулкдор улушли
мулкнинг бошқа иштирокчилари
томонидан улушининг қиймати
тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига
эга. Ушбу модда асосида улушли
мулк иштирокчисига асл ҳолида
ажратиб берилаётган мол-мулкнинг
унинг мулк ҳуқуқидоғи улушига
номутаносиблиги тегишли пул
суммасыни тўлаш ёки бошқа
компенсация тўлаш йўли билан
бартараф этилади.

Улушли мулк иштирокчисига
унинг улушини асл ҳолида ажратиб
бериш ўрнига бошқа мулкдорлар
томонидан компенсация тўланишига
иштирокчининг розилиғи билан
йўл қўйилади. Мулкдорнинг
улуши арзimas бўлган, амалда
ажратиб берилиши мумкин
бўлмаган ва у умумий мол-мулкдан
фойдаланишдан катта манфаатга
эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу
мулкдор розилик бермаган тақдирда
ҳам улушли мулкнинг қолган
иштирокчилари зиммасига мазкур
мулкдорга компенсация тўлаш
мажбуриятини юклаши мумкин.
Ушбу моддада мувофиқ, мулкдор
компенсация олганидан кейин
умумий мол-мулкдаги улушига бўлган
ҳуқуқини йўқотади.





Ўзбекистонда
жорий йилнинг
ўтган даврида
қурилиш ишлари
ҲАЖМИ 60 ТРИЛЛИОН
СЎМГА ЕТДИ.



Андижонда
маиший чиқиндилардан
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ишлаб чиқарилади.



Малайзия давлат
телерадиокомпанияси
Ўзбекистон ҳақида
ўн қисмли
ҲУЖАТЛИ ФИЛЬМ
суратга олади.

Кўл меҳнати маҳсулидан кўз қувнайди



Ромитан тумани “Пойжуй” маҳалласида яшовчи **Роҳила ая Азимова** 14 йил давомида ёш авлод таълим-тарбияси билан машғул бўлди. Аммо 1993 йилда туғуруқдан кейинги асоратлар сабаб ҳаракатланиши тобора сусайиб борди. Шундан сўнг Роҳила аяга 1999 йилда 2-гурӯх ногиронлиги, 2020 йилдан эса 1-гурӯх ногиронлиги тайинланди.

Роҳила ая уч фарзанднинг онаси, бир этак невараларнинг меҳрибон бувижониси. Турмуш ўртоғи билан кексалик гаштини суряпти. Фақатгина атрофни айланиш, кўни-кўшнини зиёрат қилиш учун бошқаларни овора қилишни истамagan Роҳила ая уйдан чиқмасликка ҳаракат қилар эди. Аммо яқинда унга туман «Инсон» ижтимоий хизматлари маркази электрон юрит-мали аравача топширгач, ая бемалол кўчаларни сайр қилиб келадиган, атрофдагилар билан суҳбатга киришадиган бўлди.

Роҳила ая турли хил рангли тошлар, мунчоқлардан чиройли тақин-чоқлар, безаклар, дарахтлар ясаш билан шуғулланади. Туман «Инсон» ижтимоий хизматлари маркази ногиронлиги бўлган шахслар кўл меҳнати билан ясаган маҳсулотларнинг кўرғазмасини ташкил этиш ташаббусини билдиришди.

Тақдир синовига таслим бўлмади



Ромитан тумани “Муғонча” маҳалласида яшовчи **Қурбон Иброҳимов** 1979 йилда таваллуд топган. Оилали, икки нафар фарзанднинг отаси. У чет давлатга ишлаш мақсадида кетиб, 2011 йилда бахтсиз ҳодиса туфайли орқа бошмия икки елка оралиғида ўткир жисм билан оғир тан жароҳати олиб, кўл-оёқлари ишламай қолиши натижасида қайтишга мажбур бўлди. Ўзлуксиз даволанишлар натижасида кўлларида ҳаракат тикланиб, унга 1-гурӯх ногиронлиги берилди.

Қурбон аканинг оилавий шароити туман “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази томонидан ўрганилгандан сўнг, унинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлиги аён бўлди. Қисқа муддатда марказ унга электрон юритмали ногиронлик аравача тақдим этди. Шундан сўнг, оиласига даромад келтириш мақсадида уйда косибчилик билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Шу билан бир қаторда оёқлари ишламаслигига қарамай, машинани тўлиқ кўл билан ҳаракатлантириб, қурилиш маҳсулотларини ташиб, ҳайдовчилик ҳам қилапти.

Замонавий протез янги имкониятлар берди



Пётр Горов — «Келажак бунёдкори» медали совриндори. Имконсизликдан имкон топган, ногиронлиги борли-гига қарамасдан рассомчилик, дизайнерлик соҳасида ижобий натижаларга эриша олган интилувчи ёшлардан бири.

Пётрга яқинда Бухоро шахри «Инсон» ижтимоий хизматлари маркази замонавий болдир протези тақдим этди. Шунингдек, спорт-нинг пара сузиш турига ҳам жалб этилди.

Қаҳрамонимиз эндиликда пара сузиш билан бир қаторда замо-навий мобилография соҳасини ўрганишга киришди. Шу билан бирга «Инсон» маркази масъуллари Пётрга Бухоро шахрида мавжуд ноги-ронлиги бўлган шахслар учун бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот бериб, маъқул бўлган ишга ариза топширишига кўмаклашишди.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бoshқармаси
матбуот котиби.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Кўмак асли кўнгилга йўл тошмоқликдан бошланади

Зафарбек САПАРОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Янги Қамолот” маҳалласи ижтимоий ходими.

Кўлни кўлга бериб ишлашга нима етсин. Донм ёниниғизда маслаҳатлашадиган, қийналганда далда бўладиган ҳамкасбингиз бўлгани қандай яхши. Муаммоларга биргалашиб ечим топасиз, бир-бириниғизга кўмаклашасиз. Ўзаро тажриба алмашини орқали малака ва билимга эга бўласиз.

“Маҳалла еттилиги”да ишни ташкил этишнинг шундай афзалликлари мавжуд. Бугун фуқаролар билан ишлаш тизими аввалгига қараганда анча енгиллашган. Энг муҳими, ҳеч ким эътибордан четда қолиб кетмаяпти. Ёшлар, кексалар, хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларига керакли ёрдам ва тавсиялар берилаётир. Бунда ҳамкорлиқнинг натижаси яққол сезиляпти.

Шу кунга қадар мурожаат ва ўрганишлар натижасида 9 та кейс очдик. Ҳар кимнинг муаммоси ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиб келинмоқда. Фуқароларни ишга жойлаштирдик, моддий ёрдам пули ажратдик, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминладик.

Асли жинзаҳлик бўлган бир оила уч нафар фарзанди билан маҳалламизда ижарада истиқомат қилади. Эри диск чурраси хасталигидан азият чеккани боис оғир юмушларни бажаролмайди. Хотини кунлик ишларга чиқиб, 100 минг сўм атрофида пул топаётган, бу маблағ еб-ичишдан ортиб, ижара пулини тўлашга етмаётганди. Шунда уларни “Темир дафтар”га рўйхатга олиб, бир марталик ёрдам пули ажратилди. Шу маблағдан унумли фойдаланиш мақсадида 340 минг сўм тўловни амалга ошириб, ўзини ўзи банд қилди. Эскироқ бўлса-да автомашинаси борлигини инобатга олиб, таксичилик қилиши учун лицензия олишига ёрдам бердик. Ҳозир кунига 150 минг сўмдан кўпроқ даромад толяпти. Турмуш ўртоғини тикувчилик корхонасига доимий ишга жойлаштирдик. Маоши 2 миллион 200 минг сўм. Фарзандларига 580 минг сўм болалар нафақаси оляпти. Моддий жиҳатдан анча ўзини тиклаб олишди. Аввалги турган уйининг тўлови анча қиммат эди, бироз енгил бўлиши учун арзонроқ хонадон топиб бердик. Жинзаҳда уйи йўқлиги сабабли субсидия асосида хонадон олиши учун ҳужжатларини расмийлаштироқчимиз. Бу кўрсатилган ёрдамдан оила вакиллари жуда миннатдор. Кундан-кунга шароити яхшиланиб борапти.

Ўзаро келишмовчилик сабаб оила бузилади.



Турмушининг ўхшамаганидан зарда қилиб она хорижга ишлаш учун кетади. Яқинларининг келишмовчилигидан азият чеккан фарзанд бувишининг қарамлиғида қолади.

Ижтимоий ходим имкон қадар аҳоли билан яқинроқ бўлиши керак. Уларга ака-укаси, қариндошидек бўлиб кетсак, дардини бизга ишониб айтади. Агар бировнинг кўнглидагини ҳис қилмасак, очик-ошкор хабардор бўлмасак, ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимиз кундек равшан.

Турмушининг ўхшамаганидан зарда қилиб, она хорижга ишлаш учун кетади. Яқинларининг келишмовчилигидан азият чеккан фарзанд бувишининг қарамлиғида қолади. Маҳалламиздаги 2 та оиладаги худди шундай вазият сабаб 2 нафар болага бувишини васий этиб тайинладик. Ҳар иккисининг яшаш шароити яхши, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турибмиз.

Маҳалламизда якка-ёғиз кексалар 3 нафарни ташкил этади. Ёши 70 дан ошган бир аёлнинг турмуш ўртоғи вафот этган, фарзанди йўқ. Соғлиғи анча яхши, фақат эшитишда бироз муаммоси бор. Шундай бўлишига қарамай, уй юмушларида ёрдамлашиш учун ҳафтада бир марта ижтимоий ходим ассистенти боради. Аввал 2 марта борарди, лекин “Ўзим ҳам ҳаракат қилишим керак, бўлмаса касал бўлиб қоламан”, деганидан кейин жадвалга бироз ўзгартриш киритдик. Овқат пишириш, қирларини ювишга бемалол қуввати етди.

Ижтимоий ходим имкон қадар аҳоли билан яқинроқ бўлиши керак. Уларга ака-укаси, қариндошидек бўлиб кетсак, дардини бизга ишониб айтади. Агар бировнинг кўнглидагини ҳис қилмасак, очик-ошкор хабардор бўлмасак, ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимиз кундек равшан. Шунинг учун доим хонадонларга ўзимнинг биродаримникидек самимий чехра билан кириб бораман. Баъзан соатлаб суҳбат қурамиз. Саволларимга жавоб топпагунча чиқиб кетмайман. Маҳалладошларим бахтли ва фаровон ҳаёт кечирса, ўз мақсадимга эришган бўламан.

КўМАК

Марказларга 1 318 нафар хотин-қиз қабул қилинди

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари таъйиқ ва зўравонликка учраган аёлларни ҳимоялаш, уларни чуқур реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича муҳим ишларни амалга оширмоқда.

2024 йилнинг дастлабки 5 ойи давомида республика бўйлаб 1 318 нафар хотин-қиз ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ушбу марказларга жойлаштирилди.

Марказларда хотин-қизлар ва уларнинг фарзандлари-га тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди. Уларга нафақат жисмоний ва руҳий тикланишга кўмак берилди, балки янги ҳаёт бошлаши учун имкониятлар яратилди.

Касб-хунар ўрганишга қизиқиши бор аёллар орасидан 55 нафари махсус тайёрларлик курсларида таҳсил олди ва уларнинг 23 нафари иш билан таъминланди.

Бу марказлар, аёлларнинг ҳаётида янги уфқлар очиб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмак бермоқда.

Эслатма: таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахс-лар **“Ишонч рақами”** — **“11-46”** ёки тезкор **“112”** рақам-ларига мурожаат қилишлари мумкин.

ИСЛОҲОТ

Янги марказ қандай вазифаларни бажаради?

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июндаги 350-сонли “Ҳамжамиятларни мустаҳкамлаш ва аҳо-лини ижтимоий муҳофаза қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижти-моий ҳимоя миллий агентлиги ва Колумбия университети (АҚШ) Ижтимоий иш мактаби ташкил этилиши муносабати билан Ҳамжамиятлар ва ижтимоий фаровонликни мус-таҳкамлаш маркази яратилмоқда.

Марказнинг асосий вазифалари:

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва руҳий сало-матлигини муҳофазалаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш;
- ижтимоий иш соҳасида халқаро стандартларга жавоб берадиган академик тизимни яратиш ва мустаҳкамлаш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.

Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Колумбия университетида тегишли бўлим очилади.

Бундан ташқари, “Ақлвой” телеканали Агентлик томони-дан буюртма қилинган ижтимоий роликларни эфир вақти-нинг 7 фоизи миқдориди бепул жойлаштириш учун масъул этиб белгиланган.



29 июнь куни мамлатимизнинг 16 шахрида BYD “Yangi Nafas” ва “Vatan Qalqoni” ОММАВИЙ ЮГУРИШ мусобақаси ўтказилади.



Спорт курашлари бўйича Осиё чемпионатида эркин курашчимиз УЛУҒБЕК РАШИДОВ олтин медалга сазовор бўлди.



Ўзбекистон футбол бўйича ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИ учун Эрон, Қатар, БАА, Қирғиз Республикаси, КХДР билан беллашади.



Ушбу маҳсулотлар таркибида трансёғлар кўп миқдорда учрайди. Бу эса мутахассисларни жиддий хавотирга соляпти.

САЛОМАТЛИК

ЎЛИМ КЎРСАТКИЧНИНГ 90 ФОИЗГА КАМАЙТИРИШ МУМКИН

Дунёда тезпишар таомларга талаб ҳамон юқори. Аиникса, ёшлар орасида. Шу боис “фаст-фуд”, ярим тайёр егуликлар, қовурилган картошка фрисси, чипс ҳамда турли қандолат маҳсулотларининг бозори чаққон. Аммо ушбу маҳсулотлар таркибида трансёғлар кўп миқдорда учрайди. Бу эса мутахассисларни жиддий хавотирга соляпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилган янги ҳисобот айти шу муаммога қарши глобал тавсияларни ўз ичига олган. Хусусан, ЖССТ озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчи тадбиркорларни трансёғлардан воз кечишга чақирмоқда. Бу борада ҳукуматларга ҳам тегишли талаблар бор. Ташкилот масъул ходими Франческо Бранканинг қайд этишича, трансёғлар юрак хуружи ва ўлим хавфини ошираётгани сир эмас. Йилга 278 мингдан ортиқ кишининг ҳаётдан кўз юмиши айти шу зарарли “масаллик” билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аслида, ҳозир 53 мамлакат саноат усулида ишлаб чиқарилган трансёғларга қарши кураш бўйича илғор усулларни қўлламоқда. Бу қарийб 3,7 миллиард одамнинг саломатлигини ҳимоя қилиш имконини беради.

2023 йилда шундай чекловлар етти давлат — Миср, Мексика, Нигерия, Шимолий Македония, Филиппин, Молдова ва Украинада кучга кирди.

2024 йил январь ойида ЖССТ бешта давлат – Дания, Литва, Польша, Саудия Арабистони ва Таиландга саноатда ишлаб чиқарилган трансёғлардан воз кечиш бўйича мувофиқлик сертификатларини тақдим этди.

Экспертлар хулосасига кўра, агар бундай илғор амалиётлар яна саккизта мамлакатда жорий этилганида, бу хавфли маҳсулот билан боғлиқ ўлим кўрсаткичининг 90 фоизга камайтириш мумкин эди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

КИТОБХОН ОНА-КИТОБХОН БОЛА

Фарзандингизга қачон китоб совға қилгансиз?

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Охири марта фарзандингизга қачон китоб ўқиб берганингиз ёдингиздами? Аслида бола туғилганда унинг қалбида китобга ўзгача меҳр бўлади. Табиатан берилган бу фазилатни шакллантириш ота-она зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалардан биридир.

Болалик хотираларимни эслаганда, дадамнинг менга совға қилган китоблари кўз ўнгимда намоён бўлади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф каби атоқли шоирларнинг шеърли тўпламлари, бир қанча насрий асарлар... Уларни бошқача меҳр ва қизиқиш билан муролаа қилардим. Дадам билан бирга шеър ёдлардик. Халигача ўша китобларни асраб-авайлаб, қайта-қайта ўқийман. Ҳар сафар ўзим учун қандайдир янги хулосалар чиқараман.

Баъзан уйлаб қоламан, эҳтимол дадам менга шундай китоблар совға қилмаганида тақдирим бутунлай бошқача бўлиши ҳам мумкин эди. Муролаа инсоннинг ёпиқ қалб эшикларини очади. Виждон, орият, инсоф каби фазилатларни шаклланишида ёрдам беради. Кўп китоб ўқийдиган киши билан суҳбат-



Ҳаммани бирдек ўйлантираётган саволларнинг жавоби қаерда ўзи? Китобда!!!

лашсангиз, бу яққол сезилади. Билдираётган фикрлари, мулоҳазакорлиги эътиборингизни тортади.

Фаолиятимиз давомида “маҳалла еттичилиги” ходимлари билан кўп суҳбатлашамиз. Маълумотлар бериш асносида, оилавий келишмовчилик, ажралишлар, тарбиядаги муаммолар

қаҳида кўп тўхталади.

Хўш, бундай масалалар билан қачонгача курашамиз. Бир пағона юксалиш, ўзлгимизни топиш вақти келмадикан?! Ҳаммани бирдек ўйлантираётган саволларнинг жавоби қаерда ўзи?

Китобда!!!

Агар биз дунёга халқ сифатида ўзимизни танитишни истасак,

юртимизнинг янада равақ топишини асдойдил хоҳласак фарзандларимизнинг қўлига китоб тутқазишимиз керак. Бунда, аввало, она китобхон бўлиши зарур. Фақат у ўғил, қизининг муролаага бўлган завқини ошириши мумкин.

Бугун маҳаллаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаоли шу масалага алоҳида эътибор қаратса яхши бўларди. Хонадонларга кирганда ҳеч бўлмаса, битта китоб бериб чикса қандай соз. Тўғри, ҳамма ҳам уни кунт билан ўқимаслиги мумкин. Лекин дунёқарашини кенгайтириб, оқилу доно фарзандлар тарбиялаб жамият ривожига ҳисса қўшаман деган одам топилиши аниқ. Ўзи китобни севган киши бу неъматни боласига ҳам раво кўради.

Қолаверса, маҳаллаларда “Китобхон оналар” гуруҳларини ташкил этиш мумкин. Бир ойда бир марта қайсидир асар муҳокама қилинса, фаоллар эътироф этилса, қатнашувчилар сони ўз-ўзидан кўпаяди. Ҳозир жойларда ташкиллаштирилаётган “Китобхон она — китобхон бола” тадбирлари қамровини янада кенгайтириш вақти келди. Бугун маҳаллаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар қаторига шу жиҳатларни ҳам киритсак, ижобий натижаларимиз янада ортади.

ЭСЛАТМА

Ишхона қандай ҳолатларда моддий ёрдам ажратади?

Қуйидаги ҳолатларда ходимга моддий ёрдам ажратилиши мумкин:

- **ҳодимнинг оила қуриши;**
- **ҳодим оиласида бола туғилиши;**
- **ҳодимни ёки унинг фарзандларини даволаш (масалан, дори-дармонларни сотиб олиш, пуллик тиббий хизматларни олиш ва бошқалар);**
- **ҳодим оила аъзосининг вафоти (масалан, онаси, отаси, турмуш ўртоғи);**
- **ҳодимнинг нафақага чиқиши;**
- **озик-овқат кўринишидаги ёрдам ва бошқалар.**

ТАКЛИФ

“Тушқун кайфиятга кучли руҳий далда керак”

Давримизга келиб психологларга бўлган талаб анча ошди. Одамлар оддий муаммосини ҳал этишда ҳам мутахассис тавсияларига кўра иш тутшини афзал билишмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Беморни пшифокор даволаганидек, руҳий далда олишда психологларнинг ўрни бўлакча.

Шу соҳа бўйича олий маълумотга эга бўлганим маҳаллада хотин-қизлар билан ишлашимни анча енгиллаштиряпти. Хонадонларга кирганда ёки идорамизга мурожаат қилиб келганда биринчи навбатда фуқароларнинг кайфиятига қарайман. Кимдир моддий қийинчилик сабаб оғир ахволда. Яна бошқасининг бир дунё ғоялари бору, уларни амалга ошириш йўлларини билмайди. Ҳаётдан хурсанд юрганларни кўрганда, уларга қўшилиб севиначман. Тушқун кайфиятдагиларга руҳий далда ва психологик маслаҳатлар бериб, кўтаринкилик бағишлайман.

Икки нафар ногирон фарзанд тарбиялаётган аёл ҳар ой моддий ёрдам сўраб, идорамизга жанжал қилиб келарди. Имкониятимиздан келиб чиқиб кўмак кўрсатсак-да, сира рози бўлмасди. Бу ҳолат анчагача давом этди. Қанча дўқ-пўниси қилмасин, кулиб кутиб олиб, кулиб кузатиб қўярдим. Муаммога

ечим топиш мақсадида у аёл билан кўп марта суҳбатлашдик. Психологик ёндашув билан охири кўнглига йўл топишга эришдик. Кимнингдир қўлига тикилиб ўтириб, ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини тушуниб етгач, уйда беқор ўтирган ўғлини ишга жойлаштирди. Ўзи тадбиркорлик марказида тикувчиликни ўрганапти. Бундан ташқари, маҳалла тавсияси билан кредит олиб, томорқасида иссиқхона ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аввалгидек боқимандалик кайфиятидан асар ҳам қолмаган. Ҳаракат ва интилиш билан юқори натижаларни қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етди.

Баъзи инсонлар ички қувватини фойдасиз ва ҳеч қандай натижа бермайдиган ишларга сарфлайди. Ўсиш ва ривожланишга келганда, чиқиб кўмак кўрсатсак-да, сира рози бўлмасди. Бу ҳолат анчагача давом этди. Қанча дўқ-пўниси қилмасин, кулиб кутиб олиб, кулиб кузатиб қўярдим. Муаммога



Олдимга турмушидан ажрашган бир аёл ёрдам сўраб келди. “Ота уйимга сиғмапман, ишдан келишим билан ҳаммамнинг кайфияти ўзгариб, мен билан гаплашгиси келмай қолади. Фарзандим билан яна қаёққа ҳам бораман”, деган гаплари менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ўзи ҳам жуда тушқун эди, чехраси ҳеч очилмасди. Узоқ вақт олиб борилган психологик

машғулотлар самараси ўлароқ, қиз хусусий тадбиркорликни бошлади. Пузаллик салони очиб, яхшигина даромад топяпти. Фарзанди билан алоҳида уйга қўчиб чиқди. Фаолиятини янада кенгайтириш учун янги ғоялар устида ишлаяпти.

Маҳалламизда ташкил этилган тадбиркорлик маркази шу қизга ўхшаганларга тикувчилик, пазандалик, қандолатчилик,

компьютер саводхонлиги каби йўналишларда билим бериб келмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган шартномаларга асосан битирувчилар ҳаммаси ўз ишини топишяпти.

Келажақда маҳалламизда психологик марказ ташкил этишни мақсад қилганман. У ерда турмуш қуриш бўсағасида турган қизлар, ёш келинлар ва қайноналар билан

суҳбатлар ташкиллаштирамиз. Тушқун кайфиятдаги хотин-қизлар билан янада кўпроқ ишлайимиз. Назаримда, бу оилавий келишмовчиликлар ва ажралишларнинг олдини олишда катта мактаб бўлади.

Зиёда САДИНОВА, Чирокчи туманидаги “Чоштепа” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникация томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 1 790 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.